## Давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳалар

– Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар давомида “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси бўйича маълумотлар;

– Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳаси ҳақида маълумот;

## Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар давомида “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси бўйича МАЪЛУМОТЛАР

**Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар давомида “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат экология қўмитаси ва ОТБ ўртасида меморандум имзоланиб, лойиҳанинг дастлабки параметрлари белгиланди.

Осиё тараққиёт банки иштирокида Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йиллар давомида “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 25 ноябрда 748-сон қарори** қабул қилинди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 112,0 млн. АҚШ долл. ташкил этади. ОТБ кредит маблағлари – **60,0 млн.АҚШ долл.**, ҳукумат ҳиссаси – **52,0 млн. АҚШ долл.**

Лойиҳа доирасида:

– **300 та** чиқинди ташиш махсус техникаси, **13 та** экскаватор, **13 та** эгарли шатакчи, **13 та** мобил сервис автотранспорт воситалари, **8 та** мобил лаборатория транспорт воситаларини, **6 000 та** чиқинди контейнерлари харид қилиш ва **13 та** сервис марказларини қуриш ишлари бажарилади ҳамда миллий синов лабараторияларини жиҳозлаш учун **8 та** мобиль лабараториялари ва чиқиндиларни бошқариш соҳасида Халқаро сертификатлаш ва малака ошириш маркази ташкил этиш ва келгусида ҳамкорлик қилиш мақсадида Халқаро сертификатлаш ва малака ошириш маркази билан келишув имзолаш кўзда тутилган.

– **6 000 та** чиқинди контейнерлари харид қилиш юзасидан ташкил этилган тендер савдолари бўйича эълон берилди ва ҳозирда келиб тушган таклифларни баҳолаш ишлари давом этмоқда.

– **300 та** чиқинди ташиш махсус техникасининг тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва ҳозирда харид комиссияси томонидан тасдиқланиши кутилмоқда.

– **13 та** экскаватор, **13 та** эгарли шатакчи, **13 та** мобил сервис автотранспорт воситаларининг техник шартлари тайёрланган ва ҳозирда тармоқ илмий-техник кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда.

2020
2024

Амалга ошириш муддати

## Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси

### Лойиҳа бўйича маълумот

Жами лойиҳа суммаси........................ **112,0** млн. долл.

Қарз суммаси........................................ **60,0** млн. долл.

Давлат улуши (солиқ ва бошқа имтиёзлар шаклида).................................................. **44,01** млн. долл.

Давлат экология қўмитаси улуши......**7,99** млн. долл.

Қарзни қайтариш муддати...................**25** йил

Имтиёзли муддат...................................**5** йил

Фоиз ставкаси........................................**1,9** %

**Молиялаштириш йиллари**




### Техника воситаларини харид қилиш

| Т/Р | Ҳудудлар номи | Чиқинди ташиш техникаси | Контейнер | Экскаватор | Тиркамали шатакчи техника | Техник ёрдам автомашинаси | Сервис марказ | Мобиль лаборатория | Лаборатория учун ускуналар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами: | 300 | 6000 | 13 | 13 | 13 | 13 | 8 | 1 |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 18 | 360 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 2. | Андижон вилояти | 34 | 680 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 38 | 760 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 4. | Жиззах вилояти | 31 | 620 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 29 | 580 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 6. | Навоий вилояти | 9 | 180 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 7. | Наманган вилояти | 17 | 340 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 8. | Самарқанд вилояти | 32 | 640 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 9. | Сурхандарё вилояти | 17 | 340 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 10. | Сирдарё вилояти | 8 | 160 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 11. | Тошкент вилояти | 25 | 500 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 12. | Фарғона вилояти | 29 | 580 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |
| 13. | Хоразм вилояти | 13 | 260 | 1 | 1 | 1 | 1 | | |

### Лойиҳадан кутилаётган натижа



**300 та** чиқинди ташиш техникасини харид қилиш натижасида аҳолига санитар хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифати оширилади;



бугунги кунга қадар қамраб олинмаган ҳудудларга **6,0 минг** дона контейнер ўрнатилади;



“Тоза ҳудуд” ДУКларнинг чиқинди полигонлари **13 та** экскаваторлар билан таъминланади;



харид қилинган **13 та** тиркамали шатакчи техника ёрдамида махсус техникаларни бир полигондан бошқа полигонга ташиш имконияти яратилади;



**13 та** таъмирлаш автотехникалари орқали махсус транспорт воситаларига ўз вақтида жойида техник хизмат кўрсатиш имкони пайдо бўлади;



**13 та** сервис марказларини барпо этиш орқали техникаларга ўз вақтида комплекс тарзда техник хизмат кўрсатилади;



**8 та** мобиль лаборатория ёрдамида атроф муҳитнинг ҳолатини тезкор тартибда, жойида ўрганиш имконияти пайдо бўлади;



Республика бўйича қўшимча равишда **10 %** аҳоли санитар тозалаш хизмати билан қамраб олинади.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳаси ҳақида**

**МАЪЛУМОТ**

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) иштирокида “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш”** лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4145–сон қарори доирасида амалга оширилмоқда *(умумий қиймати **180,0 млн. евро**).*

**Лойиҳа доирасида** умумий майдони **231,7** га бўлган **41** та қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигонларининг 35 тасини тегишли тартибда рекультивация қилиш ва фаолиятини тугатиш;

– замонавий талаблар асосида 6 та (Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳар, Тўрткўл, Қораўзяк, Қўнғирот туманларида ҳамда Хоразм вилоятининг Боғот ва Қўшкўпир туманларида) янги полигонларни ташкил этиш;

– **14** та ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикасининг Ходжейли, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Қонликўл, Мўйноқ, Чимбой, Тахтакўпир туманларида ҳамда Хоразм вилоятининг Гурлан, Янгибозор, Хива, Хонқа, Янгиариқ, Хозарасп туманларида) чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини қуриш ва уларни **28** та махсус техника ҳамда **56** та **60** м3 ҳажмдаги контейнерлар билан таъминлаш;

– янгидан ташкил этилган полигонларда **6** та чиқиндиларни компост қилиш жойларини ташкил этиш ва **1** та полигонда органик чиқиндилардан биологик газ олиш ҳамда **6** та чиқиндиларни саралаш, **2** та тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилувчи ускуналарини ўрнатиш;

– янгидан ташкил этилган полигонлар учун **6** та компактор (зичлагич)ва бошқа турдаги **24** та махсус техникалар билан таъминлаш учун **180,0** млн. АҚШ долл. миқдорида кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида лойиҳа доирасида қурилиши режалаштирилган полигонлар ва қайта юклаш станциялари учун умумий майдони **111** га бўлган ер майдонлари ажратилди.

Бугунги кунда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш жараёни давом этмоқда.

## Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида “Маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш” лойиҳаси

**2021 2024**

Амалга ошириш муддати

### Лойиҳа бўйича маълумот

**Жами лойиҳа суммаси**........................ **120,0 млн. долл.**

**Қарзни қайтариш муддати**.................. **19 йил**

**Имтиёзли муддат**.................................... **4 йил**

**Фоиз ставкаси**.......................................... **2,1 %**




### Қурилиш ишларини ташкил этиш ва техник воситаларни харид қилиш

| Т/р | Ҳудудлар номи | Янги полигонлар | Қайта юклаш станциялари | Саралаш линиялари | Компост қилиш жойлари | Махсус техникалар | Контейнерлар (60 м3) | Тиббиёт чиқиндиларини йўқ қилиш жойи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами: | 4 | 8 | 4 | 4 | 57 | 32 | 1 |
| 1. | Ходжейли тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 2. | Амударё тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 3. | Беруний тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 4. | Элликқалъа тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 5. | Қонликўл тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 6. | Мўйноқ тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 7. | Чимбой тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 8. | Тахтакўпир тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 9. | Нукус шаҳри | 1 | | 1 | 1 | 5 | | 1 |
| 10. | Тўрткўл тумани | 1 | | 1 | 1 | 5 | | |
| 11. | Кораўзяк тумани | 1 | | 1 | 1 | 5 | | |
| 12. | Қўнғирот тумани | 1 | | 1 | 1 | 5 | | |

### Лойиҳадан кутилаётган натижа



Халқаро стандартлар асосида **4** та янги полигонлар ташкил этилади.......................................36 **млн. долл**;

“Тоза ҳудуд” ДУК маблағлари хисобидан ҳудудларда мавжуд **27** та маиший чиқинди полигонлари фаолияти тугатилади ва тегишли тартибда реклтивация қилинади;





полигонлар учун **25** та махсус техникалар харид қилинади...................................................2,6 **млн. долл**;

полигонларда **4** та чиқиндиларни саралаш линиялари ўрнатилади..........................................37,6 **млн. долл**;





қайта юклаш станциялари учун **32** та махсус техникалар харид қилинади......................8,8 **млн. долл**;

полигонларда **4** та чиқиндиларни компост қилиш жойлари ташкил этилади..........................1,2 **млн. долл**;





туман (шаҳар) ҳудудларида **8** та чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этилади.........14 **млн. долл**;

чиқиндиларни қайта юклаш станциялари **32** та 60 м³ ҳажмли контейнерлар билан таъминланади......1,3 **млн. долл**.



**2021 2024**

Амалга ошириш муддати

## Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Хоразм вилоятида "Маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва янги полигонлар қуриш" лойиҳаси

### Лойиҳа бўйича маълумот

Жами лойиҳа суммаси.......................... 60,0 млн. долл.

Қарзни қайтариш муддати................... 19 йил

Имтиёзли муддат.................................4 йил

Фоиз ставкаси........................................2,1 %




### Қурилиш ишларини ташкил этиш ва техник воситаларни харид қилиш

| Т/р | Ҳудудлар номи | Янги полигонлар | Қайта юклаш станциялари | Саралаш линиялари | Компост қилиш жойлари | Махсус техникалар | Контейнерлар (60 м3) | Тиббиёт чиқиндиларини йўқ қилиш жойи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами: | 2 | 6 | 2 | 2 | 34 | 24 | 1 |
| 1. | Гурлан тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 2. | Янгибозор тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 3. | Хива тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 4. | Хонқа тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 5. | Янгиариқ тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 6. | Хозарасп тумани | | 1 | | | 4 | 4 | |
| 7. | Боғот тумани | 1 | | 1 | 1 | 5 | | 1 |
| 8. | Қўшкўпир тумани | 1 | | 1 | 1 | 5 | | |

### Лойиҳадан кутилаётган натижа



Халқаро стандартлар асосида **2** та янги полигонлар ташкил этилади..........................................18 млн. долл;



"Тоза ҳудуд" ДУК маблағлари хисобидан ҳудудларда мавжуд **8** та маиший чиқинди полигонлари фаолияти тугатилади ва тегишли тартибда рекльтивация қилинади;



полигонлар учун **10** та махсус техникалар харид қилинади...................................................1,4 млн. долл;



полигонларда **2** та чиқиндиларни саралаш линиялари ўрнатилади............................................18,8 млн. долл;



қайта юклаш станциялари учун **24** та махсус техникалар харид қилинади......................6,6 млн. долл;



полигонларда **2** та чиқиндиларни компост қилиш жойлари ташкил этилади..........................0,6 млн. долл;



туман (шаҳар) ҳудудларида **6** та чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этилади.........10,5 млн. долл;



чиқиндиларни қайта юклаш станциялари **24** та 60 м³ ҳажмли контейнерлар билан таъминланади......1 млн. долл.